

## ГЕРМАНИЯ БУНДЕСТАГИГА БЎЛАДИГАН САЙЛОВЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ



Раҳмонов Алиқул Номозович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ижтимоий гуманитар фанлар” кафедраси доценти в.б., мустақил тадқиқотчи

E-mail: [alikul.rakhmonov@yandex.ru](mailto:alikul.rakhmonov@yandex.ru)

**Аннотация:** Барча демократик жамиятларда сайловлар ўта муҳим аҳамият касб этувчи масаладир. Мамлакат вакиллик органини демократик принциплар асосида шакллантириш, бунда муҳим восита ҳисобланувчи сайлов жараёнларини ҳар томонлама мақбул ва самарали қоида ва мезонлар асосида тартибга солиш лозим. Ана шундай муҳим сиёсий жараёнда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар, баъзи ўринларда эса – муаммолар Германия парламенти – Бундестаг мисолида кўриб чиқилади ва тадқиқ этилаётган мавзу доирасида мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий асослари бўйича таклифлар илгари сурилади.

**Калит сўзлар:** Бундестаг, Асосий қонун, сиёсий партия, сайлов, қонун, мандат, парламент, фуқаро, номзод, депутат, сайлов округи, ваколат.

**Abstract:** Elections are a very important issue in all democratic societies. It is necessary to form a representative body of the country on the basis of democratic principles and to regulate the electoral process, which is an important tool, on the basis of generally accepted and effective rules and criteria. On the example of the Bundestag – the German parliament – situations that may arise in such an important political process, and in some places – problems are considered, and proposals are made on a legal basis for solving existing problems.


**Keywords:** Bundestag, Basic law, political party, elections, law, mandate, parliament, citizen, candidate, deputy, electoral district, competence.

### Кириш

Германия Бундестаги 598 нафар депутат ва “ошиб кетган мандатлар” дан иборат. Хоҳиш-иродаси бир йўналишда бўлган депутатлар бир фракцияга (ёки гуруҳга) бирлашишлари мумкин. Бундестагнинг раиси **Бундестагнинг Президенти** (Асосий қонун, 40-м.) ҳисобланади [1]. Бундестагнинг ваколат муддати 4 йил (Асосий қонун, 39-м., 1-қисм). Бу муддат Бундестаг тарқатиб юборилган вақтда қисқартирилиши ёки мудофаа вазияти ҳолатида узайтирилиши мумкин. Бундестаг ўз қарорларини, қоида тариқасида, оддий кўпчилик овоз билан қабул қилади (Асосий қонун, 42-м., 2-банд), бунда бетарафлар ва ҳақиқий бўлмаган овозлар ҳисобга олинмайди. Маълум ҳолларда (Асосий қонун, 63, 67, 68-моддалар ва бошқалар) Бундестаг аъзоларининг аксарият кўпчилиги овози (бу “**аксарият кўпчилики**” ёки “**канцлер кўпчилиги**” деб аталади) талаб этилади. Бошқа ҳолларда Бундестаг аъзоларининг учдан икки ( $\frac{2}{3}$ ) қисмидан иборат малакали кўпчилик (Конституцияни ўзгартириш борасида; қаранг: Асосий қонун, 79-м., 2-банд) ёки овоз берувчиларнинг кўпчилик овози (Асосий қонун, 42-м., 1-банд, 2-хатбоши; 77-м., 4-банд, 2-хатбоши ва бошқалар) талаб этилади.

Бундестаг халқ томонидан 299 та сайлов округларида сайланадиган 598 ўриндан иборат қонун билан белгилаб қўйилган аъзолардан ташкил топади (“Федерал сайлов тўғрисида” ги қонун, 1-§) [2]:

**Беш фоизлик тўсиқ.** Германия Бундестагига бўладиган сайловларнинг хусусияти яна шунда ҳам намоён бўладики, Германия сайлов тизимида кенг тарқалган беш фоизлик тўсиқ мавжуд ва шу тўсиқдан ўтилган бўлиши лозим. 1953 йилга қадар Бундестагнинг биринчи сайлови (1949) учун алоҳида федерал ўлкаларда беш фоизлик тўсиқдан ўтиш тартиби мавжуд бўлган эди. 1953 йил 25 июнда қабул қилинган “Федерал сайлов тўғрисида”ги қонун бўйича эса 1953 йилдан бошлаб тегишли партия бутун Федерация (сайлов ҳудуди) бўйича белгиланган умумий беш фоизлик тўсиқдан ўтган бўлиши лозим. Беш фоизлик тўсиқнинг ўрни қуйидаги мисолда яққол кўзга ташланади. 1957 йил 15 сентябрда бўлиб ўтган Бундестаг сайловида иштирок этиш учун рухсат берилган 13 партиянинг 8 таси беш фоизлик тўсиқдан ўта олмади [3].



**1-расм. Биринчи ва иккинчи овозлар бўйича мандатлар тақсимооти**

Беш фоизлик тўсиқ пропорционал сайлов тизимига эга кўплаб мамлакатларда мавжуд, мажоритар сайлов тизимига эга мамлакатлар учун эса бундай тўсиқ бегонадир. Немис тилида сўзлашувчи мамлакатлардан бири – Австрияда эса тўрт фоизлик тўсиқ амал қилади.

Беш фоизлик тўсиқдан ўтиш талаби партияларнинг ўлкалар рўйхати (иккинчи овоз) учун амал қилади. Ўлкалар рўйхати бўйича ўринларни тақсимлашда бутун сайлов ҳудудида берилган ҳақиқий иккинчи овозларнинг (100 фоиздан) камида беш фоизини тўплаган партияларгина инобатга олинади. Шунинг эътиборга олиш керакки, беш фоизлик тўсиқ Бундестаг сайловида берилган ҳақиқий овозларга нисбатан амал қилса, (фақат) Берлинда у берилган овозларнинг жами сонига нисбатан амал қилади. Иккинчи ҳолда тўсиқдан ўтишнинг самарадорлиги бироз юқори бўлади, албатта. Бремен ўлкасида беш фоизлик тўсиқ Бремен ва Бремерхафенда алоҳида-алоҳида қўлланади. Бунда шундай ҳол юзага келиши мумкинки, Бремерхафенда беш фоизлик тўсиқдан ўтган партия, бутун ўлка учун белгиланган беш фоизлик тўсиқдан, агар бутун ўлкада ана шундай ягона беш фоизлик тўсиқ белгиланса, ўтолмаслиги мумкин.

Шлезвиг-Гольштайн ўлкасида эса Жанубий Шлезвиг Сайловчилар жамоаси (ЖШСЖ) учун беш фоизлик тўсиқ умуман амал қилмайди (истисно ҳол). Ўлкаларда бўладиган коммунал сайловларнинг кўпчилигида беш фоизлик тўсиқ қўлланмайди. Агар партия беш фоиздан кам овоз тўплаган бўлса, парламентда (иккинчи овоз бўйича) ўз депутатига эга бўла олмайди. Бунда унинг фақат тўғридан-тўғри сайланган номзодларигина депутат бўла оладилар.

Беш фоизлик тўсиқнинг моҳиятини қуйидаги мисол орқали тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Бундестагга бўлган сайловда ҳақиқий бўлган иккинчи овозлар ҳисоблаб чиқилди ва уларнинг сони 50 мингга деб фараз қилайлик. 50 минг сонининг

беш фоизи 2500 ни ташкил этади. Дейлик, сайловда 5 та (А, Б, В, Г ва Д) партия иштирок этди (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал**

**Алоҳида партиялар учун берилган ҳақиқий иккинчи овозларнинг тақсимоли**

	<i>Партиялар учун берилган иккинчи овозлар сони</i>	<i>Иккинчи овозларнинг умумий сони (50000)га нисбатан партиялар учун берилган иккинчи овозларнинг фоизи</i>
<i>А партия</i>	7 000	14%
<i>Б партия</i>	18 000	36%
<i>В партия</i>	13 000	26%
<i>Г партия</i>	2 000	4%
<i>Д партия</i>	10 000	20%
<b>Жами:</b>	<b>50 000</b>	<b>100%</b>

Жадвалдан маълум бўлдики, фақат биргина партия (Г партия) ҳақиқий иккинчи овозларнинг 5 фоизини, яъни 50000 овознинг камида 2500 тасини тўплай олмади. Демак, Г партиянинг ўлка рўйхати (иккинчи овозлар) бўйича тўплаган овозлари (2000 та овоз) парламентдаги ўринларни тақсимлаш вақтида эътиборга олинмайди ва партиянинг ўзи эса беш фоизлик тўсиқдан ўтолмади деб ҳисобланади.

Икки немис давлати бирлашганидан сўнг 1990 йилги Бундестаг сайловида беш фоизлик тўсиқ Шарқий ва Ғарбий Германия учун алоҳида-алоҳида тарзда қўлланди. Бунда маълум шароитлардан келиб чиқилгани ҳолда Шарқий Германия (“янги федерал ўлкалар”)да беш фоизлик тўсиқ белгиланмади.

Беш фоизлик тўсиқда иккита истисно ҳол мавжуд:

Биринчи истисно. Агар партия беш фоизлик тўсиқдан ўтолмаган, бироқ *уч ёки ундан ортиқ тўғридан-тўғри мандатга эга бўлган бўлса*, бундай партия парламентдаги ўринларни тақсимлашда ўлка рўйхати бўйича инobatга олинади (“Федерал сайлов тўғрисида”ги қонун, 6-§, 6-қисм). Бу **уч мандат оговоркаси** ёки **“муқобил оговорка”** деб аталади. Масалан, Демократик социализм партияси (ДСП, ҳозирги “Сўллар”) партияси 1994 йилда Берлинда 4 та тўғридан-тўғри мандатга эга бўлиб мазкур истисно ҳолдан фойдаланган эди.

Иккинчи истисно. Беш фоизлик тўсиқ *миллий озчиликни ташкил этувчи партиялар учун амал қилмайди* (“Федерал сайлов тўғрисида”ги қонун, 6-§, 6-қисм). Мазкур истисно ҳол Бундестаг сайловида (1953 йилдан) барча миллий озчиликни ташкил этувчиларнинг партиялари учун, Шлезвиг-Гольштейн Ландтагига сайловда (1958 йилдан) данияликлар партияси учун ва Бранденбург Ландтагига сайловда сорбенлар партияси учун амал қилади. Беш фоизлик тўсиқ истисноси Шлезвиг-Гольштейндаги **Жанубий Шлезвиг Сайловчилар жамоаси** (ЖШСЖ; der Südschleswigsche Wählerverband – SSW; охириги марта 1961 йилда Бундестаг сайловида иштирок этган эди) учун ёки Саксония ва Бранденбургда 2005 йилда миллий озчилик партияси сифатида ташкил этилган сорбенларни бирлаштирган **Вендиш халқ партияси** (die Wendische Volkspartei) учун ёхуд 2007 йилда Қуйи Саксонияда тузилган **Фризинлар партияси** учун амал қилади. Масалан, ЖШСЖ партияси (Шлезвиг-Гольштейнда истиқомат қиладиган даниялик ва фризин миллатига мансуб озчиликнинг

манфаатларини ҳимоя қилади) бир мандат билан Бундестагнинг биринчи ваколат даврида иштирок этган эди.

Демак, мазкур истиснодан амалда фақат ЖШСЖ фойдаланишга эришди. Шунинг таъкидлаш ўринлики, мазкур истисно турклар партияси учун қўлланмайди, чунки Германияда турклар миллий озчилик мақомига эга эмас. Ҳозирги кунда Германияда келиб чиқишига кўра турк бўлган 2,6 миллион киши истиқомат қилмоқда [4].

Агар партия, масалан, иккинчи овозларнинг 4,5 фоизига эга бўлган ва сайлов округида партия номзодлари тўғридан-тўғри мандатларни қўлга киритмаган бўлса, бундай партия Бундестагдаги бирор ўринни эгаллаш олмайди. Агар тегишли партия, масалан, иккинчи овозларнинг 4,5 фоизига эга бўлган ва иккита тўғридан-тўғри мандатни қўлга киритган бўлса, тўғридан-тўғри сайланган ана шу икки нафар депутатгина парламент аъзолари таркибига киради. Қуйидаги жадвал беш фоизлик тўсиқнинг манзарасини тушунарлироқ тасвирлаб беради (2-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал

### Беш фоизлик тўсиқнинг манзараси

<b>Ўлка рўйхатида берилган ҳақиқий овозларнинг фоизи (2-овоз бўйича фоизлар фаразан олинди)</b>	<b>Ўтган тўғридан-тўғри мандатлар сони (1-овоз бўйича)</b>	<b>Ўринлар бериладими?</b>	
		<b>2-</b>	<b>1-</b>
		<b>овоз бўйича</b>	<b>овоз бўйича</b>
3,6%	-	-	-
4,2%	1	йўқ	1
4,9%	2	йўқ	2
3,4%	3	ҳа	3
2,9%	4	ҳа	4
5,1%	-	ҳа	-
5,4%	1	ҳа	1

Беш фоизлик тўсиқ баъзи кичик партияларнинг парламентда ўз вакилларига эга бўлишларига тўсиқ бўлади ва бу эса сайловнинг тенг ва демократик принциплар асосида ўтишига зарар етказиши дегувчи танқидчилар ҳам бор. Лекин шунинг таъкидлаш лозимки, сайловнинг зарурати ишчан фаолият юрита оладиган парламентни юзага келтиришга хизмат қилишдан иборат. Унда майда партияларнинг кўпайиб кетиши парламентнинг самарали фаолият юритишига имкон бермайди ва бунинг натижасида парламент олдида турган вазифалар лозим даражада бажарилмай қолиши мумкин.

**Иккинчи овозни бериш (Zweitstimme).** "Федерал сайлов тўғрисида"ги қонунга кўра, Бундестагга 598 нафар депутат сайланиши лозим. Бунда сайлов жараёнининг боришида 598 мандат умумий сонининг партияларга бўлиш учун иккинчи овозни бериш муҳим роль ўйнайди. Фуқаро бир партиянинг рўйхати учун, пропорционал сайлов тизимига кўра, маълум ўлка (Бавария, Гессен, Саксония, Бранденбург ва шу каби ўлкалар)да иккинчи овоз беришни амалга оширади. Бутун федерал ҳудудда ҳеч бир партия номзодларининг бир хил рўйхати мавжуд бўлмайди. Ҳар бир партия маълум ўлкада шу ердаги сайловчилар учун ўзларининг тегишли рўйхатини тузади. Бу рўйхат қатъий ("қатъий рўйхат") бўлиб, сайловчилар томонидан ўзгартирилиши мумкин эмас.

Партиялар ваколатли иккинчи овоз беришда беш фоиздан кам овозни олсалар, мандатларни тақсимлаш жараёнида иштирок этмайдилар. Бу сайловлардан кейинги ҳукуматни шакллантириш ва тўрт йиллик ваколат муддатига эга бўлган ҳукуматни шакллантирадиган парламентдаги кўпчиликни имкон қадар барқарор қолишини енгиллаштиради. Иккинчи овозлар парламентдаги ўринларни тақсимлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Таъсир кучига эга бўлмаган биринчи овозни бекор қилиш бўйича таклифлар ҳам йўқ эмас [5]. Агар сайловчи ўзининг биринчи овози билан А партиянинг номзодини ва иккинчи овози билан Б партияни сайласа (бу **“Splitting”** ҳолати, яъни сайловчининг бир сайловда ўзининг икки овозини турли партиёга (партия вакилига) бериши ҳолати дейилади), бундан фақат Б партия фойдаланади. Чунки тўғридан-тўғри мандатларнинг ўлка рўйхатлари бўйича ҳисоблаб чиқилиши оқибатида партиянинг муваффақияти учун биринчи овоз аҳамиятга эга бўлмайди.

**“Овозларнинг салбий вазни”**. Ҳеч бир сайловчининг овози ўзи танлаган партиёга зарар етказмаслиги лозим. Бунинг маъноси шуки, ҳеч бир партия кўп овоз тўплаб кам ўринга эга бўлиши ва аксинча, кам овоз тўплаб кўпроқ ўринга эга бўлиши мумкин эмас. Бу ҳол ўз-ўзидан тушунарлидир. Бироқ таажжубли жойи шундаки, Бундестагга бўладиган сайловда бу шарт бузилаётганлиги кўзга ташланади. Бошқача айтганда, Бундестаг сайловларида ана шу парадокс амалда намоён бўлмоқда. Агар бирор партия учун берилаётган овозларнинг ошиши кўпроқ ўринларни келтирмас, балки ўринлар йўқотилишига олиб келар экан, демак, бундай овозлар салбий **“вазнга”** эга бўлади. Бунда сайловчининг истаги тескари натижага олиб келаётганлиги намоён бўлади.

Сайловчилар бирор партиянинг ғалаба қозонишини қанчалик истаб, қанчалик кўп ёқласалар, тегишли партия ўринларни шунчалик кўп йўқотади! Натижада сайловчи ўз овози билан қўллаб-қувватламоқчи бўлган партиёсига зарар етказиб қўйиши мумкин ва у бундан чўчийди. Бу ҳол амалда қанчалик кўп кўзга ташланса, сайловчининг сайловда оқилона, пухта ўйлаб иштирок этишининг эҳтимолини шунчалик жиддий камайтиради. Эҳтимол, сайловчининг сайловда иштирок этишини бутунлай йўққа чиқариши мумкин. Овозларнинг салбий вазни қўйидаги парадоксларда намоён бўлади:

- *Белгиланган тўсиқ парадокси.* Агар бирор партия ўтиш тўсиғидан пастка тушиб кетса, бошқа бир партия кўп овозларни тўплаган ҳолда оз ўринларга эга бўлади.
- *Мандатларни тенглаштириш парадокси.* Агар партия овозларни йўқотса, у қўшимча тенглаштирувчи мандатни қўлга киритади.
- *Тўғридан-тўғри мандат парадокси.* Агар партия бир сайлов округида мағлубиятга учраса (тўғридан-тўғри мандатни йўқотса), партия умумий ҳолда кўпроқ ўринларга эга бўлади.
- *Қуйи тақсимот парадокси.* Қуйи тақсимотда ўлка рўйхати камроқ ўринларни қўлга киритади, чунки у кўпроқ овозларни қўлга киритган.
- *Ички ошиб кетувчи мандатлар.*

“Овозларнинг салбий вазни” деб аталмиш феноменни англамоқчи бўлган шахс Германия сайлов ҳуқуқидаги икки ҳолатни тўғри тушуниб олиши даркор. *Биринчиси* алоҳида федерал ўлкалардаги натижаларга тегишлидир. Бу ерда қўйидаги оддий қоида амал қилади: агар, масалан, Саар ўлкасида Х партия жуда кўп сайловчиларнинг иккинчи овозлари ёрдамида сайланса, Тюрингия ўлкасида камроқ сайловчиларнинг

иккинчи овозларини олса, бу уларнинг Бундестагдаги фракциясига таъсир кўрсатади. Бунда Тюрингия ўлкасидан келган депутатларга нисбатан Саар ўлкасидан келган депутатлар сони кўпроқ бўлади. Умуман, буни шундай деб ўйлаш мумкин.

*Иккинчиси* “ошиб кетувчи мандатлар”га тегишлидир. Саар ўлкасида Х партия, масалан, биринчи овозлари боис 22 та сайлов округида ғолиб чиқса, эришилган иккинчи овозларга кўра унга фақат 20 та ўрин тўғри келиши лозим эди, бироқ партия ортиқча иккита ўринни сақлаб қолади ва ана шунда “ошиб кетувчи мандатлар” юзага келади. Шунга қарамай, биринчи овоз бўйича сайланган депутатларнинг барчаси (22 нафари) парламент аъзолари бўладилар. Бунда ушбу қоида амал қилади: *“Биринчи овозлар бўйича сени сайлашдими, энди сен Бундестаг аъзосисан. Бунда иккинчи овозлар бўйича сен аъзоси бўлган партия эришган натижа – қанча мандатни қўлга киритгани муҳим эмас”*. Албатта, қўшимча иккита ўриннинг бўлиши партия учун фойдалидир.

Бу икки ҳолат – “ошиб кетувчи мандатлар” ва ўлкалардаги натижалар бўйича парламентдаги ўринларни тақсимлаш – бир қарашда ўзаро боғланмагандек кўринади. Лекин улар ўзаро тўқнаш келадиган ҳолат мавжуд.

*Мисол.* Х партия Саар ўлкасида икки миллион, Тюрингия ўлкасида эса бир миллион иккинчи овозларни қўлга киритди. Шунинг билан фаразан саарлик номзодлар учун парламентда 20 та, тюрингиялик номзодлар учун 10 та ўрин тўғри келади. Лекин айтилган вақтда юқорида ёритилган иккинчи ҳолат бўйича Саарда 22 та тўғридан-тўғри мандат ҳосил бўлди. Партия эришган номзодлар сони умумий ҳолда қўйидаги кўринишга эга бўлади (*3-жадвалга қаранг*):

### 3-жадвал

	<b>Биринчи овоз бўйича</b>	<b>Иккинчи овоз бўйича</b>
Саар	22 депутат	20 депутат
Тюрингия	10 депутат	10 депутат
<b>Жами:</b>	<b>32 депутат</b>	<b>30 депутат</b>

Энди бир масалани ўйлаб кўрайлик. Агар Х партия Саарда иккинчи овозларни юқорида айтилганига нисбатан кўпроқ қўлга киритса, нима содир бўлади? Икки миллион эмас, дейлик, икки миллион 50 минг? Гарчи бу Бундестагда қўшимча яна битта ўрин олиш учун етарли бўлмаса-да, иккинчи овозларнинг натижаларига кўра партияга 30 та мандат қолади.

“Овозларнинг салбий вазни” Христиан демократик иттифоқи партияси (ХДИ) ва Германиянинг Социал-демократик партияси (СДП) партияларига тегишли, чунки кичик партиялар (фақат биргина ўлкада – Баварияда фаолияти мавжудлиги боис Христиан социал иттифоқи (ХСИ) ҳам) бу борада муаммога эга бўлмайди. Йирик партиялар фақат “ошиб кетувчи мандатлар”га эга бўлган вақтдагина зарар кўради.

“Федерал сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 7-§, 3-хатбоши, 2-гапи қонуннинг 6-§, 4 ва 5-хатбошилари билан боғлиқ тарзда сайловнинг тенглиги ва бевоситалиги принципларини бузади. Қонуннинг тегишли нормалари қўйидаги ҳолатнинг юзага келишига имкон беради: иккинчи овозларнинг ошиши ўлка рўйхати бўйича ўринларнинг йўқотилишига ёки иккинчи овозларнинг йўқотилиши ўлка рўйхати бўйича

ўринларнинг ошишига олиб келади. Бу эса Асосий қонун 38-моддаси, 1-хатбошисининг 1-гапига зиддир.

Мазкур масалани кўриб чиққан Федерал конституциявий суд (ФКС)нинг Иккинчи Сенати 2008 йил 3 июлда чиқарган ўз қарорида бу зидликни бартараф этиш учун Бундестагга 2011 йилнинг 30 июнига қадар муҳлат берди [6]. Шу вақт оралиғида Бундестаг зиддиятни бартараф этиши ва АҚга мувофиқ келувчи ҳуқуқий нормани белгилаши лозим бўлди. Сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш йўлида 2012 йилда тегишли ўзгартишлар амалга оширилди ва бу 2013 йил 22 сентябрда бўлган Бундестагнинг 18-ваколат даври учун сайловда қўлланди.

**“Тўғридан-тўғри мандат”**. Биринчи овоз беришлари билан сайловчилар Германия Федератив Республикаси (ГФР) бўлинган 299 та сайлов округларида партияларнинг номзодларига (ёки ҳеч бир партияга мансуб бўлмаган номзодларга) овоз берадилар. Ким нисбий кўп овозни олиш шарафига муяссар бўлса, демак, ўша сайланади ва *“тўғридан-тўғри мандат”* ҳисобланади. Кўпчилик овозни ололмаган (сайланмаган) номзодлар учун берилган овозлар ҳисобга олинмайди (шунинг учун иккинчи овозни бериш тизими мавжуд). *“Федерал сайлов тўғрисида”*ги қонуннинг 5-§ да белгиланганидек, *“ҳар бир сайлов округида бир депутат сайланади. Энг кўп овоз олган номзод сайланган ҳисобланади. Овозлар тенг бўлиб қолган ҳолларда округ сайлови бошлиғи томонидан қуръа ташлаш йўли билан ҳал этилади”*.

Партиянинг *“тўғридан-тўғри мандат”*лари сони партиянинг иккинчи овоз бериш натижаларига кўра қўлга киритган депутатлар ўринлари сонидан чиқариб ташланади. Шундан сўнг қоладиган мандатлар ўлкалар рўйхати билан банд этилади. Масалан, иккинчи овоз бериш натижаларига кўра А партияга 200 мандат тўғри келган ва биринчи овоз бериш натижаларига кўра тўғридан-тўғри 80 мандат ўтган бўлса, А партия ўлкалар рўйхати орқали яна 120 нафар депутатни Бундестагга жўнатади.

**“Ошиб кетувчи мандатлар”**. Агар бирор партия иккинчи овоз бериш натижаларидан сўнг ажратилган депутатлар ўринларидан ошиб кетувчи тарзда кўп *“тўғридан-тўғри мандат”*га эга бўлса, бундай ҳол *“ошиб кетувчи мандатлар”* (*“Федерал сайлов тўғрисида”*ги қонун, 6-§, 5-банд) деб юритилади. Бундай ошиб кетувчи мандатлар Германия Бундестагида овоз беришга ваколатли бўлган 598 нафар аъзоларнинг сонини оширади. Масалан, 1994 йилнинг декабрь ойи ҳолати бўйича Бундестаг депутатларининг жами сони қуйидагича бўлган: **656 + 16** (*“ошиб кетган мандатлар”*) = **672** нафар депутат.

Бошқа партиялар учун ўшанга мос тарзда тенглаштирувчи мандатлар сонини ҳосил қилиш мумкин эмас (бу тартиб Бундестагнинг 18-ваколат даврига қадар кучда бўлди).

*“Ошиб кетувчи мандатлар”* тушунчасини янада ойдинлаштириб олиш учун қуйидаги мисолни келтирамиз. Дейлик, А партия маълум ўлкада 12 та *“тўғридан-тўғри мандат”*ни қўлга киритди, иккинчи овоз бериш натижаларига кўра мазкур ўлкада 10 та мандатга эга бўлди ва бу ҳолат энди Бундестаг депутатларининг сонини 2 тага оширади, чунки тўғридан-тўғри сайланган депутатлар ўз ўринларини сақлаб қоладилар. Бошқа ўлкалар учун ўшанга мос тарзда тенглаштирувчи мандатлар сонини ҳосил қилиш мумкин эмас (сайлов қонунчилиги ислоҳ этилиши натижасида 2013 йилги сайловда *“тенглаштирувчи мандатлар”* ҳосил бўлишига руҳсат этилди). Агар *“ошиб*

кетувчи мандат” вафот этса ёки бошқа сабабларга кўра Бундестагни тарк этадиган бўлса, унинг бўшаб қолган ўрни тўлдирилиши мумкин эмас.

Яна бир намунавий ҳисоблашни тақдим этамиз. Дейлик, Бундестагда 100 та ўрин бор. Уларнинг ярми, демак, 50 та ўрин (биринчи овоз бўйича) тўғридан-тўғри сайланадиган депутатлар томонидан, қолган ярми эса партияларнинг ўлка рўйхатлари (иккинчи овоз) бўйича банд этилади. Сайлов натижасини қуйидаги 4-жадвалда кўриш мумкин:

**4-жадвал**

	<i>Иккинчи овозлар (фоизда)</i>	<i>Тўғридан-тўғри сайланган номзодлар сони (биринчи овоз)</i>
<b>А</b> партия	40%	48
<b>Б</b> партия	35%	2
<b>В</b> партия	25%	0

Иккинчи овозлар натижасидан сўнг ўринлар тақсимоти қуйидаги кўринишда бўлади:

**5-жадвал**

	<i>Иккинчи овозлар бўйича</i>	<i>Тўғридан-тўғри сайланган номзодлар сони (биринчи овоз)</i>
<b>А</b> партия	40 та ўрин	
<b>Б</b> партия	35 та ўрин	
<b>В</b> партия	25 та ўрин	

А партия биринчи овоз бериш натижаларига кўра 48 нафар номзод тўғридан-тўғри сайланганлиги боис у иккинчи овоз натижаларига кўра қўлга киритилган 40 та ўринни эмас, балки 48 та ўринни эгаллайди. Демак, 8 та “ошиб кетувчи мандатлар” юзага келди. Ўринлар тақсимоти энди қуйидаги кўринишга эга бўлади (6-жадвалга қаранг):

**6-жадвал**

<i>Иккинчи овозлар бўйича:</i>	
А партия	<b>48 та ўрин</b>
Б партия	<b>35 та ўрин</b>
В партия	<b>25 та ўрин</b>

Шундай қилиб, янги сайланган Бундестагда ўринлар сони 100 тадан 108 тага ошди. Назарий жиҳатдан қараганда, 299 та “ошиб кетувчи мандатлар” юзага келиши мумкин.

“Ошиб кетувчи мандатлар” бир қатор сабабларга кўра юзага келади. Улар, аввало, бирор федерал ўлкада сайловда иштирок этиш кўрсаткичи бутун сайлов ҳудудидаги ўртача кўрсаткичдан яққол пасайиб кетса юзага келади. “Ошиб кетувчи



мандатлар” биринчи овоз бериш билан боғлиқ, яъни у сайловчиларнинг берилган биринчи овозларидан юзага келади. “Ошиб кетувчи мандатлар” маълум вақтлардагина юзага келган ва уларнинг сони унчалик кўп эмас.

“Ошиб кетувчи мандатлар”нинг сони 2009 йилги сайловда рекорд даражага етди: 24 та. Уларнинг барчаси Иттифоққа (ХДИ ва ХСИ партиялари умумий ном билан **“Иттифоқ”** деб ҳам аталади) тегишли. Биргина Баден-Вюртемберг ўлкасининг ўзида ХДИ 10 та ана шундай мандатларни қўлга киритди. Ундан ташқари, мазкур партия Саксонияда 4 та, Рейнланд-Пфальц ва Мекленбург-Олд Померания ўлкаларида 2 тадан, Шлезвиг-Гольштейн, Тюрингия ва Саар ўлкаларида биттадан “ошиб кетувчи мандатлар”га эга бўлди. ХСИ партияси биринчи марта (3 та) “ошиб кетувчи мандатлар”ни қўлга киритди. “Ошиб кетувчи мандатлар”нинг сони 2013 йилги сайловда 4 та (барчаси ХДИ партиясидан) бўлгани ҳолда 29 та **“тенглаштирувчи мандатлар”** ҳисобига (13 таси ХДИдан, 10 таси СДПдан, 4 таси Сўллардан ва 2 таси Яшиллардан; ХСИ “тенглаштирувчи мандатлар”сиз қолди) парламент аъзоларининг умумий сони 631 нафар депутатни ташкил этди [7]. Мазкур сайловда 34 та партия иштирок этди.

Агар бирор партия Баден-Вюртемберг ўлкасида берилган иккинчи овозларга кўра 20 та ўринни ва айна вақтда биринчи овозларга кўра 22 та тўғридан-тўғри мандатни қўлга киритса, бунда партия биринчи овозлар бўйича қўлга киритилган 22 та мандатни сақлаб қолади. Ана шулардан 2 таси “ошиб кетувчи мандатлар”дир. Шу асосда парламентдаги ўринлар сони ҳам 2 тага ошади. Дейлик, А партия иккинчи овозлар асосида янги сайланган Бундестагда 134 та ўринни қўлга киритди, шулардан 56 таси биринчи овозлар бўйича “тўғридан-тўғри мандатлар”дир. Б партия эса иккинчи овозлар бўйича 13 та ва биринчи овозлар бўйича 15 та мандатни қўлга киритди. Хўш, мазкур партиялар қанча ўринларни қўлга киритади?

Партиянинг парламентда қўлга киритадиган ўринлари сони асосан иккинчи овозлар сонига кўра ҳал этилади. Шунга кўра, А партия 134 та ўринга эга бўлади. Ана шу 134 та ўриннинг 56 таси “тўғридан-тўғри мандатлар” томонидан, қолган 78 таси ўлка рўйхатлари бўйича банд этилади. Б партия эса 15 та ўринга эга бўлади. Гарчи иккинчи овозларга кўра 13 та ўрин қўлга киритилса-да, “тўғридан-тўғри мандатлар” сони (15) иккинчи овозларга кўра қўлга киритиладиган ўринлар сони (13)дан ошиб кетди. Бунда Б партия ошиб кетган 2 та ўринни сақлаб қолади (чунки биринчи овозлар бўйича сайланганлар ҳар қандай ҳолда ҳам ўз мандатларини йўқотмайдилар). Ана шу ўринлар *“ошиб кетувчи мандатлар”* деб аталади. Б партия эришган 15 та ўриннинг барчаси “тўғридан-тўғри мандатлар” томонидан банд этилганлиги боис ўлка рўйхатлари орқали депутатликка даъвогарлик қилган номзодлар ўринларга эга бўлмайдилар, “қуруқ чиқиб кетадилар”. “Ошиб кетувчи мандатлар”нинг моҳияти ана шундай.

**Рўйхат бўйича мандат.** *Рўйхат бўйича мандат* деганда, ўлка рўйхати орқали Бундестагга сайланган депутат тушунилади. У маълум сайлов округида берилган биринчи овозларнинг аксариятини тўғридан-тўғри олмаган. Бироқ амалда барча депутатлар тенг мақомга ва бир хил мандатга эга. Сайловчи ўз сайлов округи жойлашган федерал ўлкада номзодлари ўлка рўйхатида қатъий тартибда турган партия учун ўзининг иккинчи овозини беради.

Рўйхат бўйича номзодлар – сайловда иштирок этаётган номзодлар бўлиб, улар маълум партиянинг ўлка рўйхатига киритилгандир. Берилган иккинчи овозларнинг

сонига ва тўғридан-тўғри сайланган номзодларнинг сонига боғлиқ тарзда Саинте-Лагюэ услуоби асосида Бундестагга маълум партиянинг рўйхат бўйича номзодларининг қанчаси ўтганлиги ҳисобланади. Бунда дастлаб номзодларнинг рўйхатга киритилганлари орасидан рўйхат юқорисида турганлари депутатликка сайланиши амалга оширилади. Ўлка рўйхатлари фақат партияларнинг ўзлари томонидан тузилади.

Иккинчи овоз бериш орқали *“рўйхат бўйича мандатлар”* борасида шуни эътиборга олиш лозимки, берилган иккинчи овозларнинг жами ҳисоблаб чиқилгандан сўнг дастлаб *барча* 598 ўрин пропорционал сайлов асосида маълум тақсимот услуоби бўйича алоҳида партияларга тақсимланади. Бунда:

а) дастлаб иккинчи овозларнинг камида 5 фоизлик тўсиғини енгиб ўтган партиялар ҳисобга олинади;

б) сайлов ҳудудида берилган иккинчи овозларнинг 5 фоиздан камини тўплаган партиялар, агар улар камида 3 та *“тўғридан-тўғри мандат”*га эга бўлсалар, камида 3 та сайлов округида битта *“тўғридан-тўғри мандат”*га эга бўлган бўлсалар, эътиборга олиндилар. Бу **бош мандат оговоркаси** деб аталади. Масалан, 1994 йилнинг 16 октябрида Бундестагга бўлган сайловда ДСП (ҳозирги *“Сўллар”*) партияси бош мандат оговоркасидан фойдаланган эди.

Шундан сўнг, партиялар бўйича ҳар бир ўлка доирасида ўринлар сони аниқланади (масалан, Баварияда ХДИнинг 40 та ўрни). Энди ана шу ўринлар сонидан ҳар бир партия бўйича ўлка доирасида мазкур партиядан сайланган *“тўғридан-тўғри номзодлар”* сони чиқариб ташланади ва эгалланмаган ўринлар қатъий тартибда турган ўлка рўйхати бўйича ҳали сайланмаган номзодлар томонидан *тўлдирилади*.

2002 йилда бўлган Бундестаг сайловида бир қатор ўзгартиришлар қўлланди. Буларга қуйидагилар киради:

– сайловчилар рўйхатларига кенг маълумотлар киритишдан воз кечилди, чунки сайловчилар рўйхатига умумий ҳолда кенг маълумотлар киритиш шахснинг ўзи томонидан маълумотларни беришни ҳал қилиш ҳуқуқига зид деб топилди. Бунинг ўрнига сайловчилар ўзи тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини текшириш ҳуқуқига эга бўлдилар;

– сайлов хонасида сайлов конвертидан фойдаланишдан воз кечилди;

– мандатлар сони 656 тадан 598 тага туширилди, яъни 58 тага камайтирилди. Бу борада 1996 йил 15 ноябрда Бундестаг *“Федерал сайлов тўғрисида”*ги қонунни ўзгартиришга доир қонун қабул қилган эди [8]. 1998 йил 1 июлда *“Германия Бундестагининг 15-ваколат даврига сайлов учун сайлов округларини янгидан бўлиш тўғрисида”*ги қонун (қисқача *“Сайлов округларини янгидан бўлиш тўғрисида”*ги қонун деб аталади) қабул қилинди [9]. Сайлов округларининг сони 328 тадан 299 тага туширилди, яъни 29 тага камайтирилди (*7-жадвалга қаранг*).

2002 йилги Бундестаг сайловида 299 та сайлов округлари ташкил этилди. Шунга кўра, сайлов округларини янгидан ташкил этиш амалга оширилди. Сайлов округлари кенгайтирилди. Умуман олганда, 167 та сайлов округлари ўзгартирилди, қисман мутлақо янгидан ташкил этилди. Фақат Баден-Вюртемберг ва Шлезвиг-Гольштейн ўлкаларида сайлов округларининг сони ўзгармасдан қолди. Сайлов округларининг сони ўлкалар бўйича қуйидагича ўзгартирилди (*7-жадвалга қаранг*):

Германия ўлкалари бўйича сайлов округлари сонидagi ўзгаришлар [10]

№	Ўлканинг номи	1998	2002	Камайган округлар сони
1.	Бавария	45	44	1
2.	Баден-Вюртемберг	37	37	0
3.	Берлин	13	12	1
4.	Бранденбург	12	10	2
5.	Бремен	3	2	1
6.	Гамбург	7	6	1
7.	Гессен	22	21	1
8.	Мекленбург-Олд Померания	9	7	2
9.	Рейнланд-Пфальц	16	15	1
10.	Саар	5	4	1
11.	Саксония	21	17	4
12.	Саксония-Анхальт	13	10	3
13.	Тюрингия	12	10	2
14.	Шимолий Рейн-Вестфалия	71	64	7
15.	Шлезвиг-Гольштейн	11	11	0
16.	Қуйи Саксония	31	29	2
<b>Жами:</b>		<b>328</b>	<b>299</b>	<b>29</b>

Сайлов округларининг федерал ўлкалар бўйича тақсимланиши қуйидаги кўринишга эга бўлди [11] (8-жадвалга қаранг):

Германияда сайлов округларининг сони бир неча марта ўзгартирилган. ГФР ташкил топган вақтларда 242 та сайлов округи бўлган бўлса, 1961 йилдан сўнг уларнинг сони 248 та бўлди. Германия бирлашганидан сўнг сайлов округларининг сони ҳатто 328 тага етди, 2002 йилда эса 299 тага туширилди. Ўша йилда Германия парламенти мандатларнинг ва сайлов округларининг сонига кўра кичрайтирилди. Лекин унинг ваколат даврини 4 йилдан 5 йилга узайтириш борасидаги баҳслар эса ҳамон давом этмоқда.

2008 йил 17 мартда қабул қилинган қонун асосида сайлов округларининг айрим ўлкалар бўйича сонида ўзгартиришлар амалга оширилди. Саксония-Анхальт ва Саксония ўлкаларида 2002 йилда белгиланган округлар сони (тегишлича 10 та ва 17 та эди) биттадан камайтирилди (тегишлича 9 та ва 16 та бўлди). Қуйи Саксония ва Баден-Вюртемберг ўлкаларида эса 2002 йилда белгиланган округлар сони (тегишлича 29 та ва 37 та эди) биттадан кўпайтирилди (тегишлича 30 та ва 38 та бўлди). Амалга оширилган ўзгартиришлардан сўнг ўлкалардаги округларнинг сони қуйидагича бўлди (9-жадвалга қаранг):

**8-жадвал**

<b>№</b>	<b>Ўлканинг номи</b>	<b>Сайлов округларининг сони</b>	<b>Сайлов округларининг рақамлари</b>
1.	Шлезвиг-Гольштейн	11	1-11
2.	Мекленбург-Олд Померания	7	12-18
3.	Гамбург	6	19-24
4.	Қуйи Саксония	29	25-53
5.	Бремен	2	54-55
6.	Бранденбург	10	56-65
7.	Саксония-Анхальт	10	66-75
8.	Берлин	12	76-87
9.	Шимолий Рейн-Вестфалия	64	88-151
10.	Саксония	17	152-168
11.	Гессен	21	169-189
12.	Тюрингия	10	190-199
13.	Рейнланд-Пфальц	15	200-214
14.	Бавария	44	215-258
15.	Баден-Вюртемберг	37	259-295
16.	Саар	4	296-299
<b>Жами:</b>		<b>299</b>	

*Изоҳ.* Сайлов округларининг рақамлари Германиянинг шимолий ўлкаларидан жанубий ўлкаларига қараб ортиб боради.

2012 йил 19 апрелда “Федерал сайлов тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритиш тўғрисида қонун қабул қилинди [12]. Мазкур қонуннинг иловасига асосан Бундестагнинг 18-ваколат даври учун бўлган сайловда 299 та сайлов участкаларининг 32 таси янгидан чегараланди.

Германия Бундестагига бўладиган сайловларнинг хусусиятларидан бири бўлган ва Германия сайлов тизимида кенг тарқалган беш фоизлик тўсиқ 1953 йилдан бошлаб партиялар учун бутун Федерация (сайлов ҳудуди) бўйича белгиланган. Агар мавжуд тўсиқдан ўтилмаса, партия учун берилган овозлар инобатга олинмайди. Агар кичик, майда партияларнинг кўпайиб кетганлиги боис улардан ҳеч бири беш фоизлик тўсиқдан ўтолмаса нима бўлади, деган масала юридик нуқтаи назардан ҳал этилмаган. Бу масалада Федерал конституциявий суд ўз ҳуқуқий хулосасини бериши лозим деб ҳисоблаймиз.

2013 йил сентябрда Бундестагга бўлган сайловдан бошлаб “ошиб кетувчи мандатлар ўтмишга айланади” дейиш мумкин эди. Бунинг учун ФКС сайлов ҳуқуқини ислоҳ қилиш борасида Бундестагга 2011 йил 30 июнга қадар муддат берди. Бунда ФКС ўз таклифини ҳам билдирди: “ошиб кетувчи мандатлар”ни бекор қилиш керак ёки бир партияга тегишли турли ўлка рўйхатларини ўзаро боғлашни (бирлаштиришни) олиб ташлаш керак.

Германия ўлкалари бўйича сайлов округларининг сонидаги ўзгаришлар  
(2008 йил 17 мартда қабул қилинган қонун асосида)

№	Ўлканинг номи	Сайлов округларининг сони	Сайлов округларининг рақамлари
1.	Шлезвиг-Гольштейн	11	1-11
2.	Мекленбург-Олд Померания	7	12-18
3.	Гамбург	6	19-24
4.	Қуйи Саксония	30	25-54
5.	Бремен	2	55-56
6.	Бранденбург	10	57-66
7.	Саксония-Анхальт	9	67-75
8.	Берлин	12	76-87
9.	Шимолий Рейн-Вестфалия	64	88-151
10.	Саксония	16	152-167
11.	Гессен	21	168-188
12.	Тюрингия	10	189-198
13.	Рейнланд-Пфальц	15	199-213
14.	Бавария	44	214-257
15.	Баден-Вюртемберг	38	258-295
16.	Саар	4	296-299
<b>Жами:</b>		<b>299</b>	

Бироқ амалга оширилган ислохотларга қарамай, сайлов натижасида 4 та “ошиб кетувчи мандат” ҳосил бўлди. Бугина эмас. Сайлов ҳуқуқида амалга оширилган ўзгартишлар натижаси ўлароқ “тенглаштирувчи мандатлар” ҳосил қилинишига ҳам рухсат этилди ва натижада 29 та ана шундай мандатлар юзага келди. Буларнинг натижасида Бундестагнинг умумий аъзолари сони 631 тага етди. Ҳар қандай ҳолда ҳам “ошиб кетувчи мандатлар” масаласи кўриб чиқилиши лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Германия Федератив Республикасининг Асосий қонуни. Grundgesetz für die Bundesrepublik Deutschland. Основной Закон Федеративной Республики Германии. Масъул муҳаррирлар: юридик фанлари доктори, профессор А. Саидов ва Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиё ваколатхонаси раҳбари, доктор Р. Крумм. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фридрих Эберт номидаги жамғарма, 2005.

2. Раҳмонов А.Н. Германиянинг сайлов тизими. – Т.: Наврўз, 2015. – 511-544-бетлар.

3. Christoph Dernbach. Die Angst mit Angst vertrieben, in: Das Parlament. Nr. 27-28, 8./15. Juli 2002, S. 24.

4. Dirk Halm, Dietrich Thränhardt. Der transnationale Raum Deutschland–Türkei, in: Aus Politik und Zeitgeschichte (Beilage zur Wochenzeitung Das Parlament), 39-40/2009, 21. September 2009, S. 34.
5. <http://www.wahlrecht.de/bundestag/index.htm>
6. BVerfGE 121, 266 (2 BvC 1/07, 2 BvC 7/07), Urteil vom 3. Juli 2008.
7. <http://www.bundeswahlleiter.de>
8. BGBl. I S. 1712.
9. BGBl. I S. 1698.
10. Statistisches Bundesamt, Globus 7731, in: Das Parlament, Nr. 35-36, 2. / 9. September 2002, S. 10.
11. Das Parlament, Nr. 35-36, 2. / 9. September 2002, S.4.
12. BGBl. I Seite 518.